



## БАНКЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ МҲХС АСОСИДА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

**Тожибоев Баходиржон Хусанбоевич**

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси

Бизнесни бошқариш (MBA Banking)

магистратура мутахассислиги тингловчиси

Email: bahodir0722@gmail.com

Тел: +998 90 546 17 27

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10812427>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> March 2024

Accepted: 12<sup>th</sup> March 2024

Online: 13<sup>th</sup> March 2024

### KEYWORDS

Тижорат банклари, МҲХС, стандартлар, асосий воситалар, амортизация, МҲХС асосида такомиллаштириш, халқаро сертификат.

### ABSTRACT

Мақолада Банкларда МҲХС асосида асосий воситаларни ҳисобини юритишни ташкил этишининг назарий асосларини, амалда ташкил этилганлик даражаси, МҲХС асосида асосий воситаларни ҳисобини юритишни такомиллаштириш ва унга таъсир этувчи омиллар ҳал қилиш йўлларини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш кўриб чиқилди.

Хозирги кунда Давлатимизнинг мамлакатда чет эл инвестициясини жалб қилиш ва у орқали юртимиз тадбиркорларининг бизнес фаолиятини ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг энг юқори даражасига олиб чиқиш асосий стратегия бўлиб турибди. Бунга биргина 2022 йилда мамлакатмизда иккита халқаро бизнес форми (Тошкент-2022 йил 24-26 март, Самарканд-2022 йил 3-4 ноябр) ташкил этилиши яққол мисол бўла олади. Тижорат банкларига киритилган инвестиция бугун мамлакат иқтисодиётини ривожланишига катта хизмат қилади. Шунинг учун тижорат банкларини акцияларини сотиш орқали тижорат банкларини капиталини сезиларли ошириш хозирги давлат сиёсатининг муҳим йўналаши ҳисобланади. Бу борада Президентимиз, “Энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади. Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман”\* деб таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас. Хар қандай инвестор маблағини йўналтиришдан аввал банкларни бошқарув услуги, молиявий ҳолати, барқарор ўсиш тенденциясига эгаллиги, амалдаги қонунларга муофиқ шаффоф фаолият юритаётганлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишади. Бу эса банкларнинг белгиланган миллий ва халқаро стандарт талаблари доирасида ҳисоб сиёсатини юритиши ва молиявий ҳисоботларни тузиши муҳим омил эканлигини белгилайди. Шунинг учун юртимизда МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини такомиллаштириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки банкларда МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини такомиллаштириш мамлакат банк тизимини чел эл инвесторлари, халқаро фондлар ва халқаро жамғармалар талабларига мослашишнинг гарови ҳисобланади.



\*Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Сенат, Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномаси.

Одатда бухгалтерия ҳисоби «бизнеснинг ўзига хос тили» деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мамлакатнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилган. Лекин халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланиши, бизнес ҳамкорларнинг молиявий ҳолатини билиш умумқабул қилинган, бир-бирига зид келмайдиган, бир ҳил тамойил ва қоидаларга асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга бўлган талаб юзага келган.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳисоб сиёсатида фарқлар мавжуд бўлган. Ана шундай фарқларни бир ҳиллаштириш ва ҳар бир мамлакат учун бир ҳил

стандартдаги молиявий ҳисоботларни тузиш қоида ва моделларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди.

Шу муносабат билан 1973 йили 10 та йирик мамлакат АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Канада, Австралия, Ирландия, Голландия ва Мексика мамлакатларининг бухгалтер ва аудиторлари биргаликда Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган бухгалтерия тамойилларини бир ҳиллаштириш мақсадида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси ташкил этилди. Бугунги кунда Қўмита юздан ортиқ мамлакатнинг шундай уюшмаларини ўзига жамлаган. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари Қўмитаси маълумотларига кўра, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари иқтисодиётда ҳар қандай қарорларни қабул қилишда асосий фойдаланувчи манба сифатида муҳим вазифани бажаради.

МҲХС – асосий мақсади дунёда барча мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларининг энг муҳим ўзига хосликларини инобатга олиб, уларни такомиллаштириб барча фойдаланувчилар учун мақбул бўлган молиявий ҳисоботларнинг умум эътироф этилган стандартларини яратиш ва ҳаётга жорий қилишдир. Бундан ташқари, қабул қилинган стандартларни доимий бир-бири билан мослаштириш ҳамда уларни такомиллаштириб боришдан иборат ҳисобланади.

Дунё ҳамжамиятида бухгалтерия ҳисобининг ҳақаро стандарти сифатида иккита эталон - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - МҲХС (International Financial Reporting Standards - IFRS) ҳамда АҚШ нинг Бухгалтерия ҳисобининг умум эътироф этилган қоидалари - БҲУҚ (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) тан олинган. Халқаро фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим қилинади. Бунда, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БҲУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МҲХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим қилинади.

GAAP жаҳоннинг бошқа мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби стандартларига сезиларли таъсир кўрсатади, лекин у барча мамлакатларни қамраб ололмайди. GAAP асосан АҚШ фонд бозори листингига киритиладиган мамлакатлар учун талаб ўрнатади. Демак, бунака шароитда, дунёнинг қолган мамлакатлари учун бухгалтерия ҳисобининг янги халқаро стандартлари яратилиши зарурияти туғилган.

Юқоридагиларга ўхшаш ҳар ҳил омиллар таъсири остида, ҳозирда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (МҲХСҚ) деб номланган Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасига (БҲХСҚ) асос солинди. Ушбу қўмиталар



томонидан Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ишлаб чиқилган. Бу ҳақида тўлиқроқ таасаввур қилиш учун, БҲХСҚ ва МҲХСҚ нинг ривожланиш тўғрисида қуйидаги жадвалда маълумотлар берилган.

## МҲХС нинг ривожланиши босқичлари

### Жадвал

Йиллар	МҲХС нинг ривожланиши бўйича амалга оширилган ишлар
1973	10 та йирик мамлакатларнинг (Австралия, Канада, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Мексика, Нидерландия, Франция, Ирландия ва Япония) бухгалтер ва аудиторлар бирлашиб БҲХСҚга асос солинган
1975	Дастлабки стандартлар ҳисобланган 1-БҲХС “Ҳисоб сиёсати ёритилиши” ва 2-БҲХС “Товар-моддий захираларни тарихий қиймат бўйича ҳисоб тизими доирасида баҳоланиши ва тақдим этилиши” лар якуний вариантда чоп этилган
1989	Европа бухгалтерлари федерацияси (ЕБФ) бухгалтерия стандартларининг халқаро доирага чиқишини ва БҲХСҚ фаолиятида Европа мамлакатларининг кўпроқ фаол қатнашишини қўллаб-қувватлайди. Европа бухгалтерлари федерацияси Кенгаши (IFAS) давлат корхоналарига давлат тижорат корхоналари томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда БҲХСдан фойдаланиш мажбуриятини юклайдиган кўрсатмаларни тасдиқган
1994	БҲХСҚ ни назорат қилиш ҳамда молиялаштириш масалалари билан шуғулланувчи Маслаҳат Кенгашига ташкил этилган
1995	Европа Комиссияси (ЕК) БҲХСҚ ва ҚҚКХТ (Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти) ўртасидаги асосий стандартларни ишлаб чиқишни яқунлаш тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватлаган ҳамда ЕвроИттифоқ давлатларига БҲХС ни қўллаш мажбуриятини юклаган



<b>1996</b>	Қимматли қоғозлар ва АҚШ биржалари бўйича Комиссияси қимматли қоғозларни халқаро бозорларда жойлаштиришни амалга ошириш мақсадида молиявий ҳисоботни тайёрлашга доир стандартларни тезкор ишлаб чиқиш борасидаги БҲХСҚнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди
<b>1998</b>	“Катта еттилик” мамлакатларининг Молия вазирлари ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) “Халқаро молиявий архитектурани мустаҳкамлаш” мақсадида БҲХСни қўллаб-қувватлашга чорлайди
<b>2000</b>	БҲХСҚ аъзолари бўлган ташкилотлар БҲХСҚни қайта ташкил этишни ва унинг янги низомини тасдиқлайди
<b>2001</b>	МҲХСҚ таркиби ва қўмитанинг янги номи эълон қилинади. БҲХСҚ Фонди ташкил этилади. 2001 йил 1 апрелда МҲХСҚ БҲХСҚдан стандартларни чоп этиш ва қабул қилиш масъулиятини қабул қилиб олади. МҲХСҚ амалдаги БҲХС ва Шарҳлаш бўйича Доимий қўмитани (ШДҚ) тасдиқлайди
<b>2002</b>	Европа Иттифоқи томонидан Европа Фонд биржасида муомалада бўлган компаниялар акциялари учун 2005 йилдан бошлаб МҲХСни қўллаш мажбуриятини ўрнатилиши белгиланди
<b>2004</b>	МҲХСларнинг якуний вариантлари чоп этилган
<b>2005</b>	МҲХС ва Америка молиявий ҳисоби стандартлари ўртасидаги фарқларни тушунтириш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилиш тўғрисида СЕСнинг Ҳаракат режаси қабул қилинган
<b>2008</b>	ҚҚКХТ молиявий ҳисоботларни тайёрлашда МҲХСҚ томонидан қабул қилинган стандартларга қатъий риоя қилиш тўғрисида кўрсатма берди
<b>2009</b>	МҲХСҚ давлатлар ва давлатлараро ташкилотлар вакилларида иборат Кузатув кенгашини таъсис этди
<b>2010</b>	Васийлар иккинчи марта Низомни қайта кўриб чиқишди. Олдинги БҲХСҚ Фонди номи МҲХСҚ Фонди номига ўзгартирилди

Кейинчалик такомиллаштирилишлардан сўнг, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитасининг таркибига МҲХС Фонди ва МҲХС Кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, унинг таркибида Стандартлар бўйича маслаҳат кенгаши (IFRS Advisory Council), Стандартлар бўйича Шарҳлар бериб борадиган Қўмита (IFRIC, IFRS) ҳамда МҲХС ни жорий этиш бўйича тезкор хизмат фаолият юритадиган бўлди. Стандартлар Кенгаш томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бугунги кунга қадар Кенгаш томонидан




МХХС янги стандартлар (International Financial Reporting Standards – IFRS) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилиниб келинмоқда.

Кенгашнинг 16 дона аъзоси мавжуд бўлиб, МХХС Фондига ҳисобдорлик тамойили остида иш юритади.

МХХС Фонди – хусусий хўжалик юритувчи субъектларнинг умумбелгиланган манфаатлари мақсадида ишлайдиган, мустақил, нотижорат ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий мақсади МХХС стандартларни ўрнатадиган идора Кенгаш томонидан юқори сифатли, аниқ, амалда кучга эга ва халқаро тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ягона тўпламини ишлаб чиқиш, ушбу стандартларнинг жорий қилиниши ва қатъий қўлланилишини қўллаб-қувватлаш, ривожланаётган мамлакатлар ҳамда кичик бизнеснинг молиявий ҳисоботлари бўйича янги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, Кенгаш томонидан чиқариладиган стандартлар ва тушунтиришлар бўлмиш Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларини миллий стандартлар ва МХХС ни бирлашиши орқали иш юритиш ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборатдир.

Янги ташкил топган МХХС қўмитасининг таркибий тузилиши қуйидаги расмда келтирилган:



Расм МХХС Фондининг ташкилий тузилмаси\*



\* Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик, (2-чи қайта ишланган нашри) / А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Ҳотамов., Н.К. Ризаев. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 – 446 б.

Мақола якунида олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, умумий хулоса сифатида ҳозирги кунда мамлакамизда МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга ўтилди. Ҳукумат томонидан МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва у такомиллаштирилмоқда. Ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ҳам ҳуқуқий ва услубий асослари яратилган дейиш мумкин.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон [«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида](https://lex.uz/docs/2931253) //https://lex.uz/docs/2931253.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2022 йилдаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисида” ги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарори //https://lex.uz/docs/5952173.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори, 27.11.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3337 сонли “Тижорат банкларининг ҳисоб сийёсати ва молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низом //https://lex.uz/docs/5745251.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори //https://lex.uz/docs/4746047.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 25 октябрдаги Банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/2961>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги “Сенат, Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномаси” дан. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>.
7. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик, (2-чи қайта ишланган нашри) / А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Ҳотамов., Н.К. Ризаев. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 – 446 б.